

Хуфтон намозини бамдодга яқин ўқиш

09:25 / 15.02.2019 5188

Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар. Мен мана қарийб 1 йилдирки хуфтон намозини эрталаб яъни бамдоддан 30минут олдин ўқийман. Хуфтон вақти кирганда чарчоқ бўлади ёки бу аллақачон рефлекс бобқоган(ўзи аслида бошидан шайтон йўлдан уриб кеган менимча. Дангасалик деса ҳам бўлар балким). Шунини ҳукми нима бўлади? Вақтингизни ажратганингиз учун раҳмат.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Сиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган [суннат](#)га зид иш қилаяпсиз экан. [Уламо](#)лар фазоида [аъмо](#)л бобида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадисларини келтирганлар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам аввал хуфтонни ўқиб кейин уйқуга ётар эдилар. Сиз ҳар куни кўплаб [савоб](#)лардан маҳрум бўлаяпсиз экан.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ لَوْ سَرُّوْا لَاقٍ : لَاقٍ هٰذَا الَّذِيْ ضَرَّ دُوْعَ سَمِ نَبِ هٰذَا دَبَّعَ نَعِ
ضَبَقَكَ نَهَيْفَ رَبِّصَلِّ ، رَبِّصَلِّ مَايَا مَكِّيَّارُو نَمِ نِ) : مَلَسُو هَيْلَعِ هٰذَا
نِيَسْمَخِ رَجَا هٰذَا لَوْ سَرُّوْا اِي : اَوْلَاقٍ نِيَسْمَخِ رَجَا اِهَيْفَ لَمَاعِلَلِ رَمَجَلِ اِي
رَازِبَلِ هَاوَرِ يَمِثِي هٰذَا لَاقٍ (مَكْنَمِ نِيَسْمَخِ : لَاقٍ . اِنْمِ نِيَسْمَخِ وَا مَهْمِ
يِنَارِبَطَلَالِو

[Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан](#) ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ортингизда сабр кунлари бор. У кунларда сабр қилиш қўлида чўғни тутиб туриш каби бўлади. У кунларда динига амал қилувчилар учун эллик кишининг ажри бор” дедилар. Шунда [саҳобалар](#) “Ўзларидан эллик кишиними ёки биздан эллик кишиними ё Расулуллоҳ” дедилар. У зот “Сиздан эллик кишини” дедилар. Баззор ва Табаронийлар ровояти.

مَلَسُو هَيْلَعِ هٰذَا لَوْ سَرُّوْا لَاقٍ هٰذَا الَّذِيْ ضَرَّ دُوْعَ سَمِ نَبِ هٰذَا دَبَّعَ نَعِ
: اِهَيْفَ لَمَاعِلَلِ رَمَجَلِ اِي : اَوْلَاقٍ نِيَسْمَخِ رَجَا اِهَيْفَ لَمَاعِلَلِ رَمَجَلِ اِي
: اِهَيْفَ لَمَاعِلَلِ رَمَجَلِ اِي : اَوْلَاقٍ نِيَسْمَخِ رَجَا اِهَيْفَ لَمَاعِلَلِ رَمَجَلِ اِي
: اِهَيْفَ لَمَاعِلَلِ رَمَجَلِ اِي : اَوْلَاقٍ نِيَسْمَخِ رَجَا اِهَيْفَ لَمَاعِلَلِ رَمَجَلِ اِي

[Абу Ҳурайра](#) розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Умматим фасодга учраганда суннатимга амал қилган кишига юзта [шаҳиднинг](#) савоби

бордир” дедилар. Бошқа бир ривоятда “Битта шаҳиднинг савоби бордир” деганлар. Табароний ривояти. [Валлоҳу аълам!](#)